

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЎРМОН ЁНҒОҒИ УРУҒЛАРИНИ КЎЧАТХОНАДА МАҚБУЛ ЭКИШ ЧУҚУРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Эшанкулов Б. И.

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, катта илмий ходим

Эгамназаров Х. Ў.

Тошкент давлат аграр университети, таянч докторант

Аннотация

Ёнғоқмевалилар юқори калорияли озиқ-овқат саноати маҳсулоти бўлиб, таркибида инсон организми учун керак бўладиган турли модда ва витаминларга бой ҳисобланади. Ўрмон ёнғоғи ҳам ана шундай ўсимликлардан бўлиб, бошқа ёнғоқмевалилардан бута шаклида ўсиши ва қиш ойларида гуллаши билан ажралиб туради. Ўрмон ёнғоғини Ўзбекистонда саноат миқёсида катта майдонларда ўстириш учун уларнинг кўчатларига талаб бўлади. Шу сабабли ўрмон ёнғоғи кўчатларини ўстириш бўйича турли тажрибалар амалга оширилди, шулардан бири уруғларни экиш чуқурлигини аниқлашдир.

Аннотация

Орехи – высококалорийный продукт пищевой промышленности, богатый различными веществами и витаминами, необходимыми организму человека. Фундук является одним из таких растений и отличается от других орехов тем, что растет в форме куста и цветет в зимние месяцы. Для выращивания фундука на больших площадях в промышленных масштабах в Узбекистане существует спрос на его саженцы. По этой причине были проведены различные эксперименты по выращиванию рассады фундука, один из которых – определение глубины заделки семян.

Annotation

Nuts are a high-calorie product of the food industry, rich in various substances and vitamins necessary for the human body. Hazelnuts are one such plant and differ from other nuts in that they grow in bush form and bloom during the winter months. To



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

grow hazelnuts in large areas on an industrial scale in Uzbekistan, there is a demand for its seedlings. For this reason, various experiments were carried out on growing hazelnut seedlings, one of which was to determine the depth of seeding.

Калит сўзлар: озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, саноат, ёнғоқмева, калория, нон, селекция.

Ключевые слова: продукты питания, сельское хозяйство, промышленность, орехи, калорийность, хлеб, селекция.

Key words: food, agriculture, industry, nuts, calories, bread, selection.

Кириш

Мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини ривожлантиришда аҳолини моддий ва маданий даражасини кўтариш, юқори сифатли турли хилдаги озиқ – овқатга бўлган эҳтиёжини қондириш муҳим аҳамиятга эга. Бу озиқ – овқатга бўлган талабларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни кўпайтириш, табиий ҳолда ўсиб турган дарахт ва буталарини танлаб ҳамда бизнинг ҳудудларимизда ўса олиши мумкин бўлган турларини излаб топиш ва интродукция қилиш орқали саноат миқёсида етиштиришни йўлга қўйиш билан амалга ошириш мумкин.

Аҳолини қимматбаҳо озиқ – овқат маҳсулоти билан таъминлашда ўрмон ёнғоғи бутаси ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу турнинг ёнғоқмевасининг мағзи калорияси жиҳатдан буғдой унидан тайёрланган нон, олма, сутдан юқори кўрсаткичга эга, тана пўстлоғи ошловчи моддаларга бойдир.

Ўрмон ёнғоғи – Қайиндошлар (*Betulaceae*) оиласига мансуб бўлиб, олимларнинг фикрича ёнғоқмевалилар ичида ёғлилиги ва витаминларга бойлиги билан энг юқори ўринларда турувчи ўсимлик ҳисобланади. Меваси (ёнғоғи) жуда тўйимли ҳисобланиб, қовурилган ҳолда истеъмол қилинади ва кандолатчиликда кенг миқёсда ишлатилади. Ёнғоғининг таркибида ошловчи моддалар, шулардан, 50-60 % ёғ, 11-18 % оқсил, маълум миқдорда яъни 3-8 % углевод, 2-3 % минерал тузлар ва витаминлар бор [4,5,6,7]. Шу сабабли, аҳолини сифатли ўрмон ёнғоғи ёнғоқмеваси билан таъминлашда, ўзида



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

қимматбаҳо белгиларни сақлаган нав ва шакллар таркибини кенгайтириш, етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш, долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари. Ўзбекистонда ёнғоқмевали турларни етиштириш, селекция ишлари бўйича жуда кўплаб илмий ишлар ўтказилган. Бу борада хандон писта, грек ёнғоғи, оддий бодом бўйича етарлича илмий тажрибалар тўпланган [1,2,3]. Ўрмон ёнғоғи бўйича тадқиқот ишлари дастлаб Академик М.М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тоғ боғдорчилик ва узумчилик Бўстонлик тумани филиали илмий ходимлари 1949 йили И.Б. Мичурин номи Бутуниттифок ўсимликшунослик институтининг Сочи, 1964 йили Майкоп тажриба станцияларидан уруғи келтирилиб, кўпайтирилиб, уруғларидан етиштирилган 140 та буталари устида селекция ишлари олиб борилиб, ўнлаб хўжалик ва биологик жиҳатлардан устивор шакллари ажратилган. Шундай бўлсада қимматбаҳо ёнғоқмевага эга бўлган ўрмон ёнғоғи бўйича ишлаб чиқаришга етарлича тавсиялар берилмаган. Унинг биоэкологияси, Ўзбекистонда ўстириш имкониятлари тўлиқ ўрганиб чиқилмаган. Шу сабабли ўрмон ёнғоғининг биоэкологияси ва унинг кўчатларини етиштириш агротехникасини ўрганиш мақсадида тажрибалар ўтказилди.



1-расм. Ўрмон ёнғоғи ёнғоғи (уруғи)

Ўрмон ёнғоғи кўчатларини етиштиришда экиш мавсуми бўйича уруғларни экиш чуқурлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли тўртта



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

муддатда ўрмончиликда қабул қилинган усул билан уруғларни экиш чуқурлиги бўйича тажрибалар амалга оширилди. Бунда уруғ ҳажми диаметрига (эни) кўра х3, х5, х7, х9 марта катталиқда экилди (1-жадвал). Тажрибалар Тошкент вилоятининг тоғли ва текислик ҳудудларида ўтказилди.

1-жадвал Ўрмон ёнғоғи турлари уруғлари экиш чуқурлигини кўчатларнинг унувчанлигига таъсири

№	Тур номи	Уруғ эни диаметридан х марта кўп чуқурликда (см) унувчанлиги, %				
		х3	х5	х7	х9	х11
1	Октябр	38	68	74	64	55
2	Октябр (1 ой стратификацияланган уруғлар)	36	49	55	50	40
3	Феврал -март	18	20	20	18	16
4	Феврал-март (5 ой стратификацияланган уруғлар)	34	45	44	42	32

1-жадвалдан кўчатларнинг сақланиб қолиши унувчанлик юқори бўлган вариантларга тўғри келди. Уч йиллик тадқиқот натижаларига кўра кузги экишда экилган уруғ ҳажми диаметридан 7 марта катта чуқурликда экилганда энг яхши натижага эришилди, бунда октябр ойининг охириги ўн кунлигида экилганда сақланиб қолиш - 74%, октябр ойида 1 ой стратификацияланган уруғлар экилганда 55% ни ташкил этди ва бу экиш бошқа вариантларнинг кўрсаткичларидан юқори ҳисобланади. Баҳорги экиш кузги экишга нисбатан кўрсаткичлари паст эканлигини кўришимиз мумкин. Шундай бўлсада баҳорги экишда экиш чуқурлиги уруғ энидан 5 марта катталиқдаги чуқурда экиш натижалари юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Хулоса

Ўрмон ёнғоғи бошқа ёнғоқмевали турлар: грек ёнғоғи, хандон писта, оддий блодом каби халқимиз томонидан севиб истеъмол қилдинадиган ёнғоқлар қаторидан жой олиши учун етарлича ширин таъм, фойдали модда ва витаминларга бой ҳисобланади. Шу сабабли бу турни ўрмонларини кўпайтириш учун жойни тўғри танлаш, экиш ва парваришлаш агротехикасини тўғри ташкиллаштириш, келажақда мамлакатимизнинг



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th Dec., 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

иқлим-гупроқ шароитларига мос маҳаллий навларини яратиш керак бўлади. Бунинг учун дастлабки жараёнларда ўсиб ҳосил бериб турган ўрмон ёнғоғи буталарини топиш, биоэкологиясини таҳлил қилиш, кўчатларини ўстириш технологиясини ишлаб чиқиш керак бўлади. Кўчатларини ўстиришда уруғларни октябр ойининг охиригى ўн кунлиги ноябрнинг биринчи ўн кунлиги оралиғида экиш яхши натижани берганлиги аниқланди.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Эшанкулов Б.И., Охунов М.А. Наманган ва Мингбулоқ туманидаги оддий бодом экошакллари ёнғоқмеваларини дастлабки баҳолаш. Хоразм Маъмун академияси. Урганч. 2023. 311-315 б.
- 2.Эшанкулов Б.И., Худайназарова Н.Х. Ўзбекистонда мавжуд хандон пистанинг хорижий навлари уруғ авлоди плантацияларини таксацион кўрсаткичлари. ISSN: 2181-3337 |Scientists.uz International scientific journal science and innovation issue dedicated to the 80th anniversary of the academy of sciences of the Republic of Uzbekistan. 256-263 бетлар.
- 3.Эшанкулов Б.И., Эгамназаров Ҳ.Т. Ўрмон ёнғоғи уруғлари сифат кўрсаткичлари. Хоразм Маъмун академияси 2023-12/1 307-311 бетлар.
- 4.Чендлер У. Плодовый сад. Листопадные плодовые культуры / У. Чендлер. – М.: Сельхозгиз, 1960. – 621 с.
- 5.Serr E.F. Selecting suitable walnut varieties. / E.F., Serr. – California Agricultural Experiment Station, Leaf., Davis, California, 1962. – 144 p.
- 6.Janick J. Advances in fruit breeding. / J. Janick, J.N. Moore. – West Lafayette, Indiana: Purdue University Press, 1975. – 622 p.
- 7.Amiri R. Correlations between some horticultural traits in walnut / K. Vahdati, S. Mohsenipoor, M.R. Mozaffari, C. Leslie // Hortscience. – 2010. – Vol. 45 – P. 1690–1694.

